



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 397-1-сонли қарорга ўзгариш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин 2001 йил 7 декабрдаги 321-II-сонли қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини республикада босқичма-босқич жорий этишини таъминлаш мақсадида:

1. 2002-2005 йиллардаги даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келадиган тизимини босқичма-босқич жорий этиши юзасидан тайёргарлик чора-тадбирлари мажмумини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этишини таъминлайдиган 2002-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларнинг аник дастури ва жадвалини 2003 йил 1 январидан бошлаб олинган даромадлар бўйича ишлаб чиқсан ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегиши вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, чет эл иқтисодий тузилмалари ва эксперталарни жалб этган ҳолда иккى ой

муддатда «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳасини ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

3. Куйидагилар белгилансин:  
жами даромадни декларациялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституцияий ва мулкий хукуқлари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулки миқдорлари тўғрисида ги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг шахсий турмушига аралashiшга ҳамда бошқа сунистъ-молчиликлар ва хукуқбузарликларга қатъян йўл қўйилмайди;

жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ ахборот ҳамда хужжатлардан фойдаланиш тартибини бузишга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка, ҳатто жиной жавобгарликка ҳам тортиладилар.

4. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳозирги вақтда жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар /савдо, иш, хизматлар/ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилиниши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

## Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида» 2002 йил 16 апрелдаги ПФ-3052-сон Фармонини бажариш юза-  
сидан ҳамда ўзбек халқининг миллий мусикий мероси негизида мусика санъатини ривожлантириш, сифат жиҳатидан янги мусикий таълим тизимини яратиш, юқори малакали санъат кадрлари тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қаор қилади:

1. Ўзбекистон давлат консерваторияси мусика санъатининг барча йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича та-  
янч олий таълим муассасаси ҳамда мазкур таълим соҳаси педагоглари, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

кўп асрлик мусикий меросимизни, миллий ва жаҳон мусика санъати тараққиётини, миллий мусика асбобларининг тарихини ўрганиш мақсадида бир ой муддатда давлат консерваторияси таркибида ихтисослаштирилган Илмий-тадқиқот маркази ва Мусика музейи низомларини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Фан ва технологиялар маркази билан биргаликда иккита ҳафта муддатда Илмий-тадқиқот маркази ва Мусика музейи низомларини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

музикий таълим муассасаларини замонавий мусикий ўкув адабиётлари билан таъминлаш, уларни мунтазам чоп

этишини йўлга қўйиш мақсадида бир ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваторияси хузурида ихтисослаштирилган «Мусика» нашриёти, босмахона ва овоз ёзиш студияси ташкил этсин;

чет элдаги мусиқа муассасаларида таълим олаётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон ижодкор ёшлари вакиллари билан доимий алоқада бўлишни таъминлаш, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятида уларнинг ижодий салоҳиятидан фойдаланиш, республикада мусиқа анжуманлари ва фестиваллари ўтказиш бўйича тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

レスпублика ва хорижий мамлакатларнинг таникли ижроҷилари ва санъат араббларини, етакчи педагог-мутахассисларини консерваторияядида ишлашга тақлиф этиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва 2002/2003 ўкув йилидан бошлаб амалга киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус маданият ва санъат ўкув юртлари концертмейстерлари ва етакчи концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсан ва белгиланган тартибида тасдиқласин.

3. 2002/2003 ўкув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси хузурида 125 нафар ўкувчига мўлжалланган Иқтидорли болалар академик лицеи ташкил этилсин. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда Иқтидорли

(Давоми 3-бетда)


Тошкент вилояти Зангига туманинг 39-мактабнинг янги биноси мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига ажойиб совға бўлди. Мазкур мактабнинг қурилишига жами 100 миллион сўм сарфланди. Зангига туман ҳокимиги ва «Наврӯз» ширкати хўжалигининг ҳомийлигига қурилган мактабда 532 нафар ўкувчи замонавий, шинам, ёргу синф хоналарида таълим олмоқдалар.

Ўқиши иккى сменада олиб борилаётган мактабимизда 34 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатяпти. 130 нафар болаларни 1-синфга қабул қилидик. Уларга 2 сентябрь – Билимлар кунида Президент совфлари тантанали суратда топширилди, – дейди мактаб директори Айхол Бобоҷонована.

Мактабнинг ўрни қаровсиз ер эди. Туман ҳокимиги билан келишиб, шу ерни танлаб, мактабни барпо этдик. Эндилиқда ўкувчилар ҳам, мактабда ишлётган ўқитувчилар, ота-оналар ҳам хурсанд, – дейди Зангига туман ҳалқ таълими бўйлами мудири Шавкат Мадумаров биз билан сухбатда.

Райхон ХОЛМУРОДОВА,  
“Ma'rifat” мухбари  
Суратда: янги мактаб биносининг  
ташқи кўринини.  
Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

## БОЛАЖОНЛАРГА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ СОҒФАСИ



АДАБИЁТ ДАСТУРИ  
ЎҚИТУВЧИЛАР  
МУҲОКАМАСИГА  
ҚЎЙИЛСА

4-бет

КИТОБСИЗ  
НАХОТ ЙЎҚ

5-бет

ЙЎЛ БОШИДА  
АДАШГАН БОЛАЛАР  
8-бет

БОЛАНГИЗНИ  
БЕКОРЧИЛИКДАН  
АСРАНГ  
9-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**

# Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари түгрисида

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими жорий этилгунга қадар фуқароларнинг даромадларини ихтиёрий равища декларациялаш тизими пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш хукуки берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тажрибасини чукур ўргансин ҳамда уларни инобатга олган ҳолда декларантлар томонидан ўз даромадлар түгрисидаги маълумотларни ихтиёрий равища декларациялаш тизими жорий этиш чора-тадбирлари тарифлантириш механизми, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этимаганлик ва даромадларни атайин яширганилиги учун қонучиликда кўзда тутилган жазоларни кўллаш чораларини ишлаб чиқсан.

6. Белгилаб қўйилсинки, фу-

қароларнинг республика тижорат банкларида депозит хисоб варакларига кўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқиш манбалари тасдиқланиши талаб этилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан бирга жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш тизими жорий этиш мақсадлари ҳақида оммавий ахборот-воситалари орқали ахоли ўтасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин;

2003 йилнинг 1 июляга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар / даромад манбалари/ түгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 5 сентябрь

ги декларацияларни ҳамда декларациялаш билан боғлиқ башқа ахборотни қайта ишлаш Марказини ташкил этиш ва уни декларацияларни қайта ишлаш учун зарур техника билан жиҳозлашни кўзда тутсиз;

2003 йилнинг 1 сентябрига қадар солик органларига маълумотларни электрон воситалардан тақдим этиш ҳамда солик назоратини амалга ошириш мақсадида уларга ишлов бериш имконини яратадиган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва улардан тажриба тариқасида фойдаланиши таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири У.Султонов зиммасига юклатилисин.

9. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

И.Каримов

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябрь куни Оқсанор қароргоҳида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Акио Каватодан ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Шу куни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Хиндистон Республикаси, Исландия, Корея, Республикаси ҳамда Пакистон Ислом Республикаси давлатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчилари ҳам юртбошимизга ишонч ёрликларини топширилдилар ва ўзаро мулоқотларга давлатлараро муносабатларни ривожлантириш хусусида фикрлашдилар.

## АҚШ ЭЛЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ давлат котибининг Европа ва Европасиё ишлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Линн Паско иштирокида АҚШнинг Марказий Осиё давлатларидаги Фавқулодда ва



муҳтор элчилари Тошкентда узининг йиллик кенгашини утказди. 5 сентябрь куни Линн Паско ҳамда АҚШнинг Марказий

Осиё давлатларидаги Фавқулодда ва муҳтор элчилари Ж.Хёрбст (Ўзбекистон), Л.Нэппер (Қозогистон), Ж.Окиф (Қирғизистон), Ф.Хаддл (Тожикистан), Л.Кеннеди (Туркманистан) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабулида бўлдилар.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

# «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари түгрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига

## ШАРХ

Бозор иқтисодиётни тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тамоиллари амал килаётган барча иқтисодий тараққий этган мамлакатларда фуқаролар томонидан ўз даромадларини мажбурий декларациялаш амалиёти кенг кўлланилади. Даромадлар түгрисидаги декларацияни тўлдириш фуқаролар томонидан соликлар тўлаш чоғида, шунингдек уй, ер майдонлари ва кўчмас мулк, қимматбаҳо коғозлар ҳамда башқа қимматли буюмларни харид қилиш билан боғлиқ йирик молиявий битимларни амалга ошириша қатъий шарт хисобланади.

Хуллас, фуқаролар даромадларининг манбалари ошкоралиги, қонунйлигини тасдиқлаш зарур бўлган жойда декларация талаб қилинади.

Хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган декларациялаш тизимининг асосий шарти, бир томондан, ўз даромадлари ва уларнинг манбалари түгрисида одамларнинг ўзлари ихтиёрий равища маълумот берилади. Иккинчи томондан, декларация, мол-мулк харид қилишга сарфланган пул маблағларининг манбалари түгрисидаги маълумотларни тақдим этилсанда ишлаб чиқсанади.

Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш яширик иқтисодиётга, пул маблағларининг ноконунүй айланышига, коррупция ва пораҳұрлыққа ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги башқа жиноятларга қарши қурашда таъсирчан воситалардан бири хисобланади.

Шуни таассуф билан эътироф этиш керакки, бизда коррупция ва файриқоний даромадларга, савдо-воситачилик фаолияти натижасида тушадиган нақд пулларни яширишга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлиги түгрисида кўп гапирилади, аммо айни вактда жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган механизмни жорий этиш бўйича аниқ-равшан чоралар кўрилмаяти. Бундай механизм пораҳұрлик пайини

кирқиб, яширик иқтисодиёт учун замин яратадиган, банкдан ташқари пул айланышини таъминлаётган барча манбаларни туттишига ёрдам берган бўлур эди.

Шуни хисобга олиш зарурки, даромадларни декларациялашни жорий этмай, фуқароларнинг ўз даромадлари ва уларни олиш манбалари түгрисидаги маълумотларни ихтиёрий равища тақдим этишнинг барқарор тизимини вужудга келтиримасдан, шунингдек ўз даромадлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишдан бўйин товлаётгандарни жазолаш чораларини пухта ишлаб чиқмайтириб коррупция ва яширик иқтисодиётга қарши қураш борасидаги ишларни тасаввур қилиш кийин.

Айни шу боисдан, бундай ишларнинг жами қонун ҳужжатларига, ҳукуқий мельёрларга таянадиган тараққий этган мамлакатларда таркиб топган тажрибадан келиб чиқсанади.

Республикада хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги чеклашларни бекор қилиш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашувини камайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамлар учун фаол меҳнат қилиш ва ўз меҳнати билан кўпроқ пул ишлаб топиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Шу муносабат билан ахоли даромадларини хисобга олиш, даромадларнинг қонунйлигини ҳамда соликлар бекаму кўст тўланганлигини назорат қилиш механизмини тақомиллаштириш долзарбазиша бўлиб қолмоқдаки, бу ҳам даро-

мадларни декларациялаш тизими жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Айни пайтда, фуқароларнинг шахсий мулкига тажовуз қилиш ёки уларнинг ҳукуқ ва эркинликларини чеклаб каби фактларга барҳам бериш мақсадида Фармонда шу нарса белгиланганки, даромадларни декларациялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституциявий ва мулкий ҳукуклари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулки миқдорлари түгрисидаги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг хусусий турмушига аралашишга ҳамда башқа суиистемолчиликлар ва ҳукуқбузарликларга қатъиян йўл қўйилмайди. Мансабдор шахслар жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиши тартибини бузган холларда улар жавобгарликка, ҳатто жинонай жавобгарликка ҳам худди шундай тизим фаоллик билан яратилиши лозим.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш туфайли ахоли учун ўз қобилиятларини яна ҳам кенгрок намоён этиш, ўзини иқтисодиётнинг турли соҳаларида юзага чиқариш ҳамда турли қонуний манбалардан даромад олиш имкониятлари очилади.

Республикада хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги чеклашларни бекор қилиш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашувини камайтириш борасида катта ишлаб чиқсанади.

Даромадларни декларациялаш тизими жартиши бўйича чет эл тажрибаси чукур ўрганишни, ахолини тегиши тарзида тайёрлашни, зарур қонунчиларни таъминлаштиришни келиб чиқсанади.

Шу билан бир вактда солик органларига жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тизими жорий этишни таъминлаштиришни келиб чиқсанади.

танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этимаганлик ва даромадларни жўрттага яширганилик учун қонунчиларни кўзда тутилган жазоларни кўллаш чораларини белгилаш хукуки берилди.

Шуни кайд этиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда амалдаги қонунчиларни мувофиқ жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган холда бир маротабалик операциялар / савдо, иш, хизматлар/ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилинши лозим.

Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, фуқароларнинг ўз жамғармаларини банкларга кўйинши рағбатлантириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланышини камайтириш чоралари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, фуқароларнинг республика тижорат банкларидаги депозит хисобвақарларига кўйиладиган нақд маблағларни декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқсанади.

Солик идораларини ахборот билан таъминлашни яхшилаш учун 2003 йилнинг 1 июляга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар /даромад манбалари/ түгрисидаги декларацияларни таъминлаштиришни келиб чиқсанади.

Республикада жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими жорий этилиши даромадларни ошкорлаштириш имконини беради, яширик иқтисодиёт йўлига фов солиб хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яна ҳам қулийроқ шарт-шароитларни яратишга қўмаклашади, цивилизацияларни бозор муносабатларини шакллантиришнинг обьектив ва зарур шартни хисобланади.



## Fikr

Мактаб ҳаёти ва таълим жараёнини ислоҳот қилиш каби қатор чора-тадбирлар эндиликда на факат таълим давлат тили ўзбек-тилида олиб бориладиган мактабларда, балки мамлакатимиз ҳудудида яшовчи бир қатор миллатлар фарзандлари таълим-тарбия топаётган қардosh тиллардаги мактабларда ҳам янгиланиш ва истиклол мағкураси руҳида янги

## Anjuman

## МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

Маълумки, 2002-2003

ўқув йили — ҳалқ таълими тизими муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили, деб эълон қилинди. Бу чақириқа жавобан Жиззах вилоят ҳалқ таълими бошқармаси, вилоят Педагогларни қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш институти ҳамкорлиқда яқинда «Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари» мавзусига бағишиланган вилоят фан ўқитувчиларининг анъанавий III педагогик ўқишини ташкил этди.

Педагоглар 22 та шўъбада таълим тизимида ечи мини кутаётган муаммолар бўйича баҳс юритиши. Ҳар бир шўъбада 5-7 тадан маърузалар мұҳокама қилинди. Жумладан, «Она тили ва адабиёт фанини ўқитиши муаммолари» шўъбасида она тили ва адабиёт дастурида мил-

Т.АЛМАМАТОВ,  
ВПҚТМОИ ходими,  
Т.ОЧИЛОВ,  
Республика таълим маркази олмон тили методисти

## АДАБИЁТ ДАСТУРИ ЎҚИТУВЧИЛАР МУҲОКАМАСИГА ҚУЙИЛСА...

комил инсонни камол топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилимоқда.

Республика Таълим маркази қошида фаолият кўрсататган илмий-методик кенгашлар ана шу вазифаларни бажариш учун мактаб ва мориф ходимларига кўмакчи сифатида тан олинган. Жумладан, тожик мактаблари учун таъсис этилган илмий методик кенгаш (ИМК) баҳоли қурдат мактаб ўқитувчиларининг ишини енгиллашириш, уларга иложи борича методик маслаҳатлар бериш, методик кўлланмалар ва дастурлар ишлаб чиқишида ўз ҳиссасини кўшишга интилмоқда. Дастур муҳокамасининг биринчи йигилиши ҳам бўлиб ўтди. Қуйида биз V-IX-

Жомий ва Мир Алишер Навоий дўстлиги ҳақида сўз юритилади. Адабий мулокот, адиблар ўртасидаги дўстлик алоқалари мавзуси янги сиймоларни кашф этишилкни тақозо этади. Бахтимизга ушбу дўстликнинг адабиётимиздаги инъикоси жуда ибратомуз саҳифаларга бой бўлиб, ўз навбатида бу мулоддас дўстлик ҳар иккала ҳалқ вакилларини, жумладан, ўқитувчиларни ҳам шунга давват этади.

Бизнингча, дастурда фақатгина Жомий ва Навоий билан чегараланиш кўзга ташланади. Ваҳоланки, бошқа адиларнинг адабий дўстлик алоқаларини ҳам мактаб ўқитувчisi онгига етказишимиш зарур. Негадир да-

шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да (унинг бошқа номи «Вақоев») Ҳазрат Ҳожа Ахори Валийнинг қаламига мансуб «Рисолай волидия»ни зўр ихлос билан туркйга (эски ўзбек тилига) ўгириб, оғир хасталикдан шифо топганини ёзди. Шароф Рашидовнинг «Кашмир кўшиғи» достони Мирзо Турсунзода талқинида «Таронай Кашмир» номи билан тожик тилига ўгирилди ўтмишизда акс этган ушбу тарихий-адабий алоқалар бизнингча, адабиёт дастурларидан ҳам ўрин олса, айни муддао бўларди.

**Назрулоҳ РАСУЛЗОДА,**  
филология фанлари  
номзоди

## БУЖДА БОР ҲАРОФАМ, МЕХРУ МУҲАББАМ

«Саодат» номли 2-боловлар боғчасида оналардан бирининг шундай сўзини эшлишиб қолдик.

— Онанинг кўнгли болада, дейишади. Лекин боғчада сиздек тажрибали мураббийлар бор экан, биз фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ.

Миннатдор сўзлаётган бу аёл яқиндагина боласини боғчага берган Машҳурахон Ҳўжаева бўлади. Бундай сўзларни бошқа оналардан ҳам эшишиб мумкин.

Боғча мудираси Манзуроҳон Тешабоева бизни ичкарига бошлайди. Мусиқа машғулоти ўтказилаётган хонанинг қия очиқ эшигидан болалар қўшиғи янгравоқда. Мусиқа раҳбари Азимжон Исломов гўё болажонлар юрагига мусиқани олиб киради. Улар руҳига мос, енгил, шўх, қувноқ ашуласар ўргатади, — дейди мудирана пианино чалаётган Азимжонга ишора қилиб.

Хоналардаги ўйинчоқлар, гуллар ўзгача чирой, кўркамлик бахш этган. Бу ерда болалар ҳамиша турли машғулотлар билан машғул. Инглиз тили, иқтинос, рақс, қўл меҳнати, жисмоний тарбия тўғракларини тажрибали педагоглар М.Йўлдошева, С.Пармонова, М.Ҳамроқулова, М.Қўшақо-

валар олиб бормоқдалар. Бу йил май ойидан бошлаб болажонларнинг қизиқишиларини инобатга олиб, «Каратэ» тўғараги ҳам иш бошлади. Унга Осиё чемпионатининг, бронза медали соҳиби Акбархон Мамажонов мураббийлик қилимоқда. 20 нафар кичконтой спортнинг мазкур тури бўйича шуғулланишти.

140 нафар болага мўлжалланган ушбу маскан бундан 22 йил муқаддам фойдаланишга топширилганди. Замонавий, иккаватли бино ҳали ҳам кўрку тароватини ўйқотмаган. Мавсумий гуллар, дарахтларнинг кўплиги, резаворларнинг боғчанинг ўзидан чиқиши эса жамоанинг тадбиркорлигидан. Яқиндагина боғчада ўтказилган «Онажоним суратингизни чизаман» мавзудаги кўрикитловда Зарнигор Нишонова иштирок этиб, туманда биринчи, вилоядада иккичи ўринни олиб, республика боқиҷида ҳам қатнашди.

«Озод Ватан бизниси» танловида эса Машҳурбек Абдуллаев, Файратбек Абдуллахонов, Гулноза Абобакирова сингари иқтидорли болажонлар фахрли ўринларни олдилар.

О.СИДДИКОВ,  
Андижон вилояти

## ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲИММАТИ

Каттакўргон шаҳар ҳалқ таълими бўлими раҳбарияти таълим муассасаларини янги ўкув йилига тайёрлаш ишларига бутун жамоатчиликни жалб қилишгани эътиборлидир. Бунинг натижаси ўлароқ шаҳардаги 1, 11, 12, 13, 17-мактабларнинг иситиш сис-

темаси тўла капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 1-ўрта мактабнинг синфоналари ўкув жиҳозларидан — парта, стол, стуллар, синф доскаси, ўқитувчининг стол комплектлари билан

## Saxovat

тўла таъминланди. Бунга 7430 минг сўм маблағ сарфланди. Шаҳардаги 11-мактабнинг эски компьютер синфи ҳам янги замонавий «Пентиум-3» комплекти билан жиҳозланган бўлса, 11, 12, 15-мактабларнинг иситиш тизими сифатли капитал таъмирдан чиқарилди. Таълим муассасаларини янги ўкув йилига шай ҳолатга келтиришда ҳомий ва оталиқ ташкилотлари томонидан 23 млн. сўм маблағ сарфланди.

М.ПЎЛАТОВА

## ИНСТИТУТ ҚОШИДА МАКТАБ

Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида «Халқаро муносабатлар мактаби» ташкил этилганига унча кўп вақт бўлгани ўйқ. Ўтган йилнинг деқабрида ўз фоалиятини бошлаган мазкур мактабга шаҳардаги лицеи ва коллеж, ўрта мактаб ўқитувчилари жалб этилди.

Мактабни очишидан кўзда тутмаган мақсад кадрлар тайёрлаш мислий дастури талаблари асосида жаҳон андозаларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг сиёсий билимларни оширишдан иборат.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон халқаро майдонга дадил кириб бормоқда. Истиқлолдан кейинги ўтган 11 йил давомида кўлга киритилётган ютуқлар ривожланган давлатлар томонидан ўтироф этилапти. Бу бежиз эмас, албатта. Зоро, барча соҳалар қатори таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш ми-

лий дастурининг босқичма-босқич татбиқ этилиши бу муваффақиятларнинг негизидир. Институт ва шаҳар ҳалқ таълими бўлими билан ҳамкорлиқда ушбу эзгу ишга кўл урилгани ҳам ана шу ислоҳотлар самарасидир.

«Халқаро муносабатлар мактаби» тинглавчилари иккиси босқичда таълим олишади. Даствлабки босқичда уларга халқаро муносабатлар, бу борада Ўзбекистонинг тутган ўрни, мамлакатимизда миллий дипломатиянинг шаклларини, жаҳон иқтисодиётини ва Ўзбекистонда ислоҳотларнинг амалга оширилиши, миллий истиқлол ва миллий мағкура сингари мавзуларда сабоқ берилади.

Иккичи босқичда эса тинглавчилар компьютер ва инглиз тилидан ўз билимларини оширишади. Узлуksiz ta'lim

иқтифоатларни иккиси босқичда таъмирдан чиқарилди. Айниқса, ўқувчиларнинг тавтилларида бу мактаб ўзида хос марказга айланди. Яқинда «Халқаро муносабатлар» мактабининг даствлабки тинглавчиларига халқаро андозадаги сертификатлар топширилди. Бу ўз навбатида келажак авлоднинг халқаро сиёсий билим ва савилярни бир қадар оширишиди. Айниқса, ўқувчиларнинг тавтилларида бу мактаб ўзида хос марказга айланди. Яқинда «Халқаро муносабатлар» мактабининг даствлабки тинглавчиларига халқаро андозадаги сертификатлар топширилди. Бу ўз навбатида келажак авлоднинг халқаро сиёсий билим ва савилярни бир қадар оширишиди.

Э.КАРИМОВ,

Самарқанд давлат Чет тиллар институти «Маънавият ва маърифат» ишлари бўлими бошлиги





Муқаддас она тупроғимизнинг самарадорлиги ни ошириш бугунги кунда қишлоқ хўжалигимиз олдида турган энг муҳим ва кечикириб бўлмас вазифалардан бири ҳисобланади. Хўш, бу борадаги энг биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жумласига нималарни киритиш керак?

Шак-шубҳасиз еримиз таркибини минераллар билан бойитиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва сувдан оқилона фойдаланиш ишлари бирламидир. Улар сирасига ерни ўз эгаларига топширишни ҳам киритиш лозим. Бу хусусда ҳам бир қатор ижобий силжишлар кўзга ташланяпти. Мамлакатимизда фермерчилик ҳаракати тобора кенг қулоч ёзяпти. Бу ҳаракатта ёшларимизнинг ихлос қўйишаётганини янада қувончлидир.

"Фермерлик, аввало ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланишининг замонавий услуги бўлиб, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янгича амалий шаклидир" дега таъкидлаган эди Юртбoshimiz. Айни кунда юртимизда олиб борилаёт-

ган фермерлик ҳаракатидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, деярли барча ҳудудларда фермерлик соҳасини мукаммал биладиган кадрларга муҳтожлик сезилаётганлиги ҳам сир эмас. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ҳам бу хусусда қатор муаммоларни ечишга йўл очиб берилган. Юртимиздаги кўплаб касб-хунар таъ-

ида бўлганимизда, "Ижрочи фермер"ларга берилаётган билим ва малакалар билан атрофлича қизиқиб кўрдик. Уч йил давомида асосан ўсимлиқшунослик ва чорвадорлик касблари бўйича фермер илмини ўрганадилар.

— ўсимлиқшунослик йўналишини кенг маънода тушунмоқ керак, — дейди касб-хунар ли-

Фермерлик мутахасиси бўйича ўқиб чиқаётган ёшлар орасидан "қочоқ фермер"лар ҳам чиқиб қолмайдими? Ёш фермерларга ишонсан, бўладими? Ушбу саволлар билан лицей директори Раҳмон Бобоёровга мурожаат қилдик:

— Гап шундаки, ўша "қочоқ фермер" ёки "соҳта ер эгалари"нинг аксарияти аввало фермерлик

ҳисоб-китоб ишларидан ҳам хабардор эмас.

Биз "ижрочи фермер"ларимизга мумкин қадар ўз йўналишлари бўйича атрофлича билим ва малака беришга ҳараткат қиляпмиз. Уларга тракторчилик, "ВС" тоифаси бўйича ҳайдовчилик ихтисослигини, фермерлик ҳисоб-китобларини ўргатяпмиз. Ўйлаймизки, шогирдларимиз келажакда бизни уятирmasa керак.

Лицейнинг ўзини катта бир фермер хўжалигига қиёслагимиз келади. Карап, "ўсимлиқшунос фермер"лар 13,5 гектарлик бофу рақамлаб қўйилган роппа-роса 450 туп турли турдаги мевали ва манзарали дарахтларга, турма-тур экшиларга ҳаёт бахш этишадиган бўлишса, "чорвадор фермер"лар эса касб-хунар лицейнинг 12 боз қорамоли-ю 10 боз қўйи ҳамда 5 уя асал ариларини парваришланашяпти.

Ёш ижрочи фермерларнинг пухта билим олишларида Актамали Мавлонов, Абдулазиз Турдиев, Равшан Очилов каби маҳсус фан муаллимларининг хизматлари катта бўлаётир.

**Абдували ОБИДДИН**  
"Ma'rifat"нинг маҳсус мухбири

# КЕРАКЛИ КАСБ

ёхуд бугунги талаба  
эртанги фермер

лими муассасаларида фермерлар тайёрлашга эътибор катта. Шаҳрисабз туманининг Чоршанбе қўрғонида жойлашган 1-касб-хунар лицейида бундан уч йил муқаддам "Ижрочи фермер" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ишига киришилган эди. Ўтган ўқув йилида илк бор касб-хунар лицейини 50 нафар мутахассис фермер йигитқизларимиз битириб чиқиши.

Биз касб-хунар лицей-

цейи директорининг ўқув ишлари бўйича муовини Илҳомжон Рўзиев. — Бунда сабзавотчилик, полизчилик, боғбонлигу пахтакорлик, лалмикор дедқончилиги "парник"-чилик, ҳамма-ҳаммаси бўйича чукур билим берилади. "Чорвадор фермер" соҳасида ҳам худди шундай гап...

Кўп ҳолларда фермерлар кўзланган мақсадга эриша олмаяптилар. Оқибатда уларнинг анча-мунчалари фермерлик касбини тарк этишадиги.

касбини севмайдиган, енгил-елпи усуllibар билан пул топиш, бирдан бойиб кетиш йўлларини излаб юрган одамлар. Уларнинг кўпчилиги кундалик меҳнат тарзларида ўзларига асқотиб турган қишлоқ хўжалик машина ва техникаларини бошқара олмайди, тушунишмайди ҳам. Уни удалай олмасдан қочаётганларнинг кўпчилиги фермерликни юритишнинг ички қоида ва Низомларини билмайдилар. Улар ўз соҳаларидағи

Гуллар диёри бўлмиш Наманган эндиликда муҳташам бинолар, улкан фавворалар ўлкаси сифатида ҳам шуҳрат қозонмоқда. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ва унда белгиланган вазифаларни бажаришда вилоят ҳокимлигининг катта эътибори туфайли бу ерда янги турдаги таълим муассасаларини бунёд этиш ишлари тобора жадалластирилмоқда.

Бу йил 11800 нафар ўқувчи ва 2300 ётоқ ўрнига эга бўлган 16 та касб-хунар колледжларини фойдаланишга топшириш назарда тутилиб, курилиш-таъмирлаш ишлари учун 12,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ режалаш-

## Milliy dastur – amalda

# ЯНГИСАНИШ НАФАСИ

тирилган.

Курилиши ва реконструкцияси бошланган иншоотларда сўнгти таъмирлаш ва пардозлаш ишлари якунланди. Мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйи арафасида Наманган педагогика, Косонсой тиббиёт, Чуст қишлоқ хўжалик касб-хунар колледжлари-

этишда педагог ва муҳандис-педагогларнинг ишига, улар билан олиб бориладиган ўқув-услубий ишларга катта аҳамият берилмоқда.

Вилоят ЎМКХТ бошқармаси тасаруфида барча илм даргоҳлари жамоалари энг улуғ, энг мўътабар байрамимизни муносаб кутиб олишиди.




нинг тақдимот маросимлари бўлиб ўтди. Фойдаланишга топширилган ушбу колледжларга замонавий ўқув-техника воситалари ва ускуналарини келтириш ва ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Ўқув-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш, таълим жараёнинг янги педагогик технологияларни жорий

миллий дастурни рўёбга чиқариш давомида дунё андозалари даражасидаги таълим муассасалари Наманган вилояти аҳлининг маънавий муҳитига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг иходий ишларга бўлган рағбат ва иштиёкларини кучайтирумокда.

**Кўпайсин ХЎЖАМБЕРДИЕВ**



Самарқанд шаҳридаги 64-тарбияси оғир болалар махсус мактаб-интернатига келишдан олдин мактаб-интернатни баланд девор билан ўралган, ёпиқ дарвоза ортида соқчилар ўтирган бўлса керак, деб тасаввур қилган эдим.

Очиқ дарвозадан ичкарини кузатар эканман, ҳовли ўртасида бир неча ўғил болаларни кўрдим. Уларга яқинлашиб, интернат директори хонасини сўрадим. Бегона кишини кўрган болалар, аввало, салом беришиди, сўнгра директор хонасини кўрсатишиди.

Интернатда ҳозирги кунда 116 нафар ўғил бола тавлим ва тарбия олмоқда.

— Бу ерга жиноят содир этишга мойиллиги бўлган, майда ўғирлик, таксокомания билмай кўчада юардим. Бу ер эса зерикарли эмас. Келажакда уста дурадгор

кетаяпман деб, кўча айланган. Онасининг, бувисининг айтганларини қилмаган.

— Онангни ва оиласидагиларни соғиндингми?

— Ҳа, — дейди Антон, — мен уларга ҳар ҳафта хат ёзаман. Хатларимга фақат бувим жавоб ёзди. Онамдан хат олганим йўқ. Отам эса бизни ташлаб кетган...

— Бу ер сенга ёқадими?

— Уйда нима қилишимни билмай кўчада юардим. Бу ер эса зерикарли эмас. Келажакда уста дурадгор

бўлмоқчиман, интернат устахонасида ишлаш менга ёқади.

Навбатдаги суҳбатдошлирим 9-синф ўқувчилари, улар оиласидаги тўнгич фарзандлар сингари мактаб-интернатнинг сардорлари бўлиб, интернат ҳовлисини таъмиглаш ишларини бажаришаётган экан. Болалар бизнинг олдимизга ўз юмушларини вақтинча тўхтатиб келишди.

Муҳаммадисо Жумабоев Фарғона вилоятининг Куба туманидан. Бу ерга келганига икки ярим йил бўлган.

— Интернатта келишимга сабаб шўхлик қилиб ўйдан қочганиман. Онамнинг сўзида қулоқ тутмаганман, мактабга бормаганман. Ҳозир мен онамни ноўрин ранжитганимни англаб етдим. Худо хоҳласа энди улгайдим, уйга қайтгач, яхши инсон бўлман. Ҳеч кимни хафа қилмайман.

Олтиариқлик Юрсинали Мадаминовнинг ҳам келганига икки йилдан ошган. У оиласида тўнгич фарзанд. Мактабда синфдош ўртоғи билан муштлашган, орадан 9 кун ўтгач, синфдош ўртоғи оламдан ўтган. Юр-

“Ма’рифат”нинг 2002 йил 10 август сонида эълон қилинган “Пул топиш айб эмас” мақоласи юзасидан қўйидаги мулоҳазаларни билдирилмоқчиман.

Мен ушбу мақолани ўқидиму, беихтиёр 60 йилларда кечган болалигимни ўйладим. Мактабдан сўнг, айниқса, ёзги таътил пайтлари барча тенгдошларим ишлашарди. Далага чиқиб, чопик қилардик. Замбилда гўнг таширдик. Олган пулимиз 10-

## Tarbiya

сиали үлдириш мақсадида урмаган. Шунчаки ҳазил, шўхлик сабаб фожеа юз берган. Унинг ҳам бошқа тенгдошлари сингари орзулари бир олам, у келажакда терговчи бўлмоқчи. Ўз орзусига етишиш мақсадида “аъло” баҳоларга ўқиётганлигини ҳам айтиб ўтди.

64-махсус мактаб-интернатдаги болалар тақдири билан қизиқар эканман,

доим очиқ туришининг боси ҳам шунда.

— Оиласида фарзандимиз бирон ножӯя иш қилиб қўйса, вазиятга қараб жазолаймиз. Бу ердаги болалар ҳам ўзаро жанжаллашишса ёки ёмон иш қилиб қўйишиша, қандай жазолаш усули ўқулланилади?

— Болалар ўзаро уришиб қолганларида гуруҳ ўртасида ярашириб қўйилади. Кўпчилик ўртасида қилган иши нотўғри эканлиги тушунирилади. Ўтказилади-

фарзандларидек қадрдан бўлиб қолишган. Шу даргоҳда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган Мубора Раҳмонова, Галина Грушидзе, Мирзо Солиев, Неля Шайдулина, Алексей Простофилин, Аркадий Садиев каби ўқитувчи ва тарбиячиларнинг хизматлари бекиёс. Улар қўлларида кишиан билан олиб келинган болаларни чин инсон қилиб тарбиялаб, қалбида ҳаётга, инсонларга нисбатан меҳр-оқибат туйгуларини шакллантирадилар.

Шу куни 64-махсус мактаб-интернатга республика ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси катта инспектори Иzzатулла Толбобоев келган экан. Биз у кишига савол билан мурожаат этдик.

— Республикамизда яна шу сингари интернатлар борми?

— Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида вояга етмagan қизлар учун махсус мактаб-интернат бор. У ерда 14-17 ёшли қизларга таълимтарбия бериш билан биргаликда касб-ҳунарга ҳам йўналтирилади.

Қаровсиз қолаётган ўғил-қизларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида ана шундай махсус мактаб-интернатлар қанча-қанча ёшларни гиёҳвандлик ва жиноятчилик тузогига тушишдан асраб қолмоқда. Ёшларни жиноят йўлидан қайтариш, таълимтарбия ишларини кучайтириш мақсадида Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Юртимиз тинч, фаровон бўлмоги учун унда яшаетган кишилар ҳам жисман, ҳам маънан соглом бўлишлари лозим. Жиноятчи битта бўлса ҳам ўзига, атрофдагиларга, жамиятга зиён келтиради. Шунинг учун болалар тарбияси барча муҳим ишларимиздан да муҳимро эканлигини ёдан чиқармаслигимиз лозим.

Н.ШЕРБОЕВА,  
Самарқанд

# ЙЎЛ БОШИДА АДАШГАН БОГАЛАР

улар орасида ака-укалар, ҳатто эгизаклар ҳам борлигини кўриб, ўйга толаман. Фарзандлари бу ерга келиб қолган оиласарнинг аксарияти тўлақонли оила эмас. Ҳа, бу ерда катталарнинг бефарқлиги, лоқайдиги туфайли ўзгалар тарбиясига эҳтиёж сезганлар тарбияланаидилар.

64-махсус мактаб-интернатда меҳнат қилаётган 14 нафар тарбиячи, 23 нафар ўқитувчи эртаю кеч болаларга ҳам ота, ҳам она ўрнини босишига ҳаракат қилмоқдалар. Болаларнинг кўнглини кўтариш мақсадида турли қизиқарли кечалар, байрамлар, давра суҳбатлари уюстиришга катта эътибор берилади.

— Болалик ёрқин хотирашарга бой бўлиши керак, — дейди Абдунаби ака. — Шунинг учун болаларни тез-тез шаҳар айлантиришга, театрларга, тарихий обидаларга саёҳатта олиб чиқамиз. Айниқса, улар ўзларини ажратиб қўйилгандек ҳис қилмасликлари учун интернатизига маҳалла фаоллари, ҳокимият вакиллари, дин пешволари ҳам келиб туришади. Дарвозаларимизнинг

ган ҳафталик йигилишларида намунали ўқиган, ўзини яхши тутган болаларга маъмуриятнинг раҳматномалари эълон қилинади.

Интернат жамоаси болаларнинг тўлақонли инсон бўлиб улгайишлари учун қўлларидан келган барча ишларни амалга ошироқдалар. Кутубхонада дарслик китоблар ва бадий асарлар етарли. Болаларнинг спорт билан шугулланиши учун спорт зали, дам олиш хоналари мавжуд.

Болаларни кузатар эканман, ҳаётнинг нотекис кўчларида, чалкаш йўлларида адашган болаларни кўллаб-қувватловчи, тўгри йўл кўрсатувчи кишилар, ўз баррига олиб, таълимтарбия берувчи шундай даргоҳ борлигига шукронга айтдим.

Шу билан бирга аксарият қонун ва қоидабузарлар бекорчилик, ота-онанинг эътиборсизлиги сабаб шу кўйга тушганлигига амин бўлдим. Болаларни ҳам ниҳол сингари парваришлаб, ўз вақтида қаралмаса ё хазон бўлади, ё тикон бўлади. Бу ерда тарбияланётган ҳар бир бола ўқитувчи ва тарбиячилар учун ўз

# ИШЛАДАЖАВУ

12 сўмни уст-бошга сарфлардик. Шу билан бирга китоб ўқишига кизиқардик. Ўқиган китобимиздаги воқеаларни бир-биримизга айтиб ҳам берардик. Эсимда 5-6-синфларда ўқиётган пайтимда “Иўлбарс теришини ёпинган пахлавон”дек йирик китобларни ўқиб чиқсанман. Бир йили уй олдик. Кишлока кекса Матна-

зар бобо исмли уста бўларди. Секин курсада, иши жуда пишиқ эди. Ёнида қарашиб юрдим. Қўлим усталикка анча келишиб қолди. Ишни битиргандан сўнг кўл-оёғим анча чакқонлигини сезган уста мени қўшил қишлоқларга иморат солиши учун ўзи билан бирга боришга тақлиф қилди. “Бу хунар ҳам инсонга керак. Ҳеч

